2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil 8-dekabr, payshanba

№ 146-147 (3808)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz


# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ГАРОВИ

## Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Ватанимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — Конституциямиз қабул қилинган кунни нишонлаш арафасида гўзал ва муҳташам «Ўзбекистон» анжуманлар саройида сизлар билан учрашиб турганимдан ғоят мамнунман.

Барчангизга, бутун халқимизга ўзимнинг чексиз ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

1992 йил 8 декабрда мустақил Ўзбекистонимиз Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлди.

Конституциянинг яратилиши ва ҳаётимизга татбиқ этилишида замонамизнинг буюк давлат арбоби, улуғ йўлбошчимиз, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хизмати беқиёс эканини барчамиз яхши биламиз.

Халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ва бутун ҳаётини тубдан ўзгартирган ушбу муҳим сиёсий ҳужжатни ишлаб чиқишда Ислом Абдуғаниевичнинг концептуал аҳамиятга эга, теран фикрлари мустаҳкам замин бўлди.

Олий Кенгаш депутати сифатида мен ҳам Конституциявий комиссия таркибида Бош қомусимизни яратиш ва қабул қилиш жараёнида бевосита иштирок этганимни доимо фахрланиб эслайман. Конституциямизнинг қандай қилиб ҳозирги мазмун ва шаклга келгани, бу мураккаб жараёнда кечган қизғин тортишув ва баҳс-мунозаралар бугунгидек ёдимда.

Ҳақиқатан ҳам, 90-йиллардаги ўта оғир даврда Асосий қонунимиз лойиҳасини ишлаб чиқишда Ислом Абдуғаниевичдек кенг миқёсда, стратегик фикрлайдиган, узоқни кўра оладиган буюк сиёсий арбобнинг бу ишга раҳбарлик қилгани ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Ёш давлатимиз эндигина оёққа туриб келаётган қалтис ва нозик бир вазиятда турли тор манфаатлар, маҳаллийчилик, сепаратизм ва миллатчилик каби салбий ҳолатларга мутлақо йўл қўйиб бўлмасди.

Асосий қонунимизда умумэътироф этилган демократик принциплар билан бирга, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва бой давлатчилик тажрибасини ифодалаш муҳим эди.

Айнан Биринчи Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Конституциямизда **«Инсон ва унинг қадр-қиммати»** деган улуғ тушунча марказий ўринга қўйилди.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Конституциямизнинг лойиҳаси бўйича 1992 йил 8 декабрда, Олий Кенгашнинг тарихий сессиясида сўзлаган нутқида қуйидаги фикрни алоҳида таъкидлаган эдилар:

**"Биз сўнгги етмиш йил мобайнида давлатга қарамлик ва сиғиниш ҳолатида яшадик. Мамлакатнинг, ундаги барча бойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат, деб ҳисоблаб келдик. Ана шу масалада ҳам Конституцияда туб бурилиш ясалган.**

**Яъни, Асосий қонунимизга «давлат, унинг идоралари ва мансабдор шахслари жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», деган модда киритилган.**

**Эндиликда «инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади».**

Биринчи Президентимизнинг ана шу фикрлари у кишининг давлат, жамият ва инсон ҳаёти билан боғлиқ ҳар бир масалага нақадар теран ёндашганидан, шу асосда Конституциямизда энг мураккаб саволларга ҳам жавоб топиш мумкин эканидан далолат беради.

Бир сўз билан айтганда, Ислом Каримовни ҳақли равишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муаллифи, деб эътироф этиш учун барча асосларга эгамиз.

Қадрли дўстлар!

Мустақил тараққиёт йилларида Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

(2-3).

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 24 йиллиги муносабати билан 7 декабр куни «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият, санъат ва спорт намояндалари, кенг жамоатчилик, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.**



# БАРЧА ЮТУҚЛАРИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев йиғилишда маъруза қилди.

Мустақиллик йилларида халқимиз эришган барча ютуқ ва марралар, иқтисодиётимизнинг улкан суръатлар билан ўсиши Конституциямизнинг ҳаётбахш қудратини, унда мужассам бўлган қоида ва нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама мустаҳкам асосга эга эканини яққол намоён этади, деди Шавкат Мирзиёев.

Инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган ислоҳотлар халқимиз турмушининг янада юксалиши, мамлакатимиз ободлиги ва тараққиётини таъминлаш, Ватанимизнинг дунё ҳамжамиятида обрў-эътиборини юксалтириш ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда юксак самаралар бермоқда.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2016 йил мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилинган эди. Бу борада ишлаб чиқилган Давлат дастури асосида она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом, юксак маънавиятли авлодни тарбиялашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ушбу дастурда белгиланган тадбирлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олиб, соғлом авлодни тарбиялашдек эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда давлат ва нодавлат ташкилотлари, ижтимоий тузилмалар, ишлаб чиқариш корхоналари, бизнес вакиллари фаол қатнашгани бу ғоянинг умумхалқ ҳаракатига айланганининг яққол намоёни бўлди.

Шавкат Мирзиёев Биринчи Президентимиз ташаббуси билан ҳар янги йилга муайян ном бериш яхши анъанага айлангани, бу борада алоҳида давлат дастури ишлаб чиқилиб, комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини қайд этди. Мустақиллигимиз асосчиси бошлаб берган бу анъанага биноан кириб келаётган янги — 2017 йилни мамлакатимизда **«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»**деб эълон қилишни таклиф этди. Бу таклиф йиғилганлар томонидан гулдурос қарсаклар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросимда «Ватан манзумаси» номли адабий-мусиқий дастур намойиш этилди.

**ЎзА**

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА 25 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 25 йиллигини нишонлаш ҳамда давлатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларни барпо этишга салмоқли ҳисса қўшган ҳарбий хизматчиларни, Қуролли Кучлар фахрийларини ва хизматчиларини қўллаб-кувватлаш мақсадида:

1. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 25 йил» эсдалик нишони таъсис этилсин.

2. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 25 йил» эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 25 йил» эсдалик нишонлари ва уларнинг гувоҳномалари бир ой муддатда белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 28 ноябр

5

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## БУЮК ДАВЛАТ ВА СИЁСАТ АРБОБИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ СИЙМОСИ ТАСВИРЛАНГАН ҲАЙКАЛНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ИЖОДИЙ ТАНЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуғ ва ардоқли фарзанди, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов Ватанимизни узоқ йиллар давом этган мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, ҳалокат ёқасига келиб қолган юртимизни қайта тиклади. Буюк Йўлбошчимиз ғоят оғир ва таҳликали вазиятда турли қийинчилик ва машаққатларга қарамасдан, тарихан қисқа давр мобайнида Ўзбекистонни жадал ва барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган замонавий демократик давлатга айлантирди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас ва ёрқин из қолдирди. У нафақат Ўзбекистон, балки бутун жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида танилди.

Халқимизнинг самимий истаклари ва хоҳиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда, она Ватанимиз тараққиёти, эл-юртимиз манфаати йўлидаги унутилмас буюк тарихий хизматларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, Ўзбекистон Қаҳрамони Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Фанлар академияси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси ва кенг жамоатчиликнинг Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов сиймоси тасвирланган ҳайкални яратиш бўйича Халқаро ижодий танловни (кейинги ўринларда Халқаро танлов деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

(5).

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ЭРКИН ВОҲИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига унутилмас ҳисса қўшган атоқли шоир ва адиб, таниқли давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов ижодий меросининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги улкан аҳамиятини инобатга олиб ҳамда шоир таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш ва хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва жамоатчилик вакилларининг Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш ва хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита ўн кун муддатда тегишли вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлашга доир тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин, унда:

(5).

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ГАРОВИ

↖(1).

Асосий қонунимиз фуқаролик жамиятининг таркибий қисми бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва сиёсий партияларнинг шаклланиши, уларнинг эркин фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратди, сайлов тизимининг асосий тамойил ва қоидаларини мустаҳкамлади.

Бош қомусимиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатлар талабларига тўла мос ҳолда, инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаб берди. Инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Ўтган давр мобайнида Конституциямизда мухрлаб қўйилган тамойил ва қоидалар негизида юртимизда миллий қонунчилик тизими барпо этилди. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти юксалишига, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилган самарали ислоҳотларга асос бўлди.

Фуқароларимиз ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишда ҳам Конституциянинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Куни кеча мамлакатимизда бўлиб ўтган муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқимизнинг фаол иштироки эса бунинг яққол далилидир.

Азиз дўстлар, биз бу сайловни Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг сиёсий меросига ва у киши ўзининг чексиз меҳрини берган халқимизга муносиб тарзда ўтказдик.

Сайлов сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат ва кураш, президентликка номзодларнинг сайловолди дастурларини эркин муҳокама қилиш шароитида ҳамда демократик принципларга тўлиқ мос келадиган ошкоралик ва очиқлик руҳида ўтганини мамнуният билан қайд этамиз.

Сайловларни мана шундай юқори савияда ташкил этган Марказий сайлов комиссиясига, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларига, уларга кўмак берган барча фуқаролик жамияти институтларига, сиёсий партиялар фаолларига самимий ташаккур билдиришга ижозат бергайсиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сайлов жараёнида 5 та халқаро ташкилот ҳамда 46 та давлатдан 600 нафарга яқин кузатувчилар иштирок этдилар. Жумладан, илк бор Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг 32 та мамлакатга мансуб 200 нафарга яқин таркибдаги тўлақонли миссияси кузатувчилари қатнашдилар.

Халқаро кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларга юксак баҳо бердилар. Барча сайлов участкаларида сайловчиларга қулай шароитлар яратилганини, айниқса, жисмоний имконияти чекланган фуқаролар, турли миллат вакиллари учун сайлов ҳуқуқини амалга ошириш имконияти юқори даражада ташкил қилинганини эътироф этдилар.

Барча чет эллик кузатувчилар томонидан сайлов тенглик ва адолат принциплари асосида, очиқ ва ошкора ўтгани бир овоздан тан олингани ҳаммамизга мамнуният бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистондаги демократик ўзгаришларга катта эътибор бериб, сайлов жараёнида иштирок этган барча халқаро кузатувчиларга, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимларига ташаккур изҳор этамиз.

Азиз ватандошлар!

Мана шу юксак минбардан туриб, аввало, бўлиб ўтган сайловда менга юксак ишонч билдириб, мен учун овоз берган барча сайловчиларга, нуроний отахон ва онахонларимизга, муҳтарама опа-сингилларимизга, навқирон ёшларимизга, кўпмиллатли бутун халқимизга ўзимнинг чексиз миннатдорчилигимни билдириб, таъзим қиламан.

Халқимиз ўзининг хоҳиш-иродаси билан мени мана шундай юксак лавозимга муносиб кўрганини ўзим учун олий шараф деб биламан. Сизларнинг менга билдирган юксак ишончингизни оқлаш учун бор куч ва салоҳиятим, билим ва тажрибамни, бутун борлиғимни сафарбар этаман.

Қадрли дўстлар!

Конституциямизда белгиланган қонун устуворлиги принципи жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, барча ислоҳотларни самарали амалга оширишнинг муҳим кафолатидир.

Ўтган даврда қабул қилинган 400 га яқин яхлит қонунлар ҳаётимизнинг барча соҳаларини ҳуқуқий тартибга солиш билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Айни вақтда қонунларнинг тўлиқлиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларига эга экани ҳақида сўз юритганда, бу борада ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини таъкидлаш зарур.

Афсуски, ҳозирги кунда қонунларнинг ислоҳотлар самарасига таъсири етарлича сезилмаяпти. Уларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги роли пастлигича қолмоқда.

Бу ҳолат мамлакатимиз қонунчилик тизимига фуқароларимиз, тадбиркорлар, қолаверса, чет эл инвесторларининг ишончсизлигини келтириб чиқариши мумкинлигини унутмаслигимиз керак.

Аминманки, ҳурматли Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари бу масалага жиддий эътибор қаратадилар.

Бу борадаги ишларни ташкил этишда авваламбор қонун лойиҳаларини пухта ва ижтимоий муносабатларни тўғридан-тўғри тартибга соладиган даражада ишлаб чиқиш, айниқса, идоравий ҳужжатларни кескин қисқартириш зарур, деб ҳисоблайман.

Шу ўринда Ҳукуматнинг парламент билан қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил соҳасидаги ҳамкорлигини янада самарали ташкил қилиш мақсадида **Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлисда доимий асосда фаолият кўрсатадиган вакили лавозимини таъсис этиш мақсадга мувофиқ бўлади.**

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, қонунларни қабул қилиш — бу ишнинг бир қисми, холос.

Асосий масала — қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир.

Афсуски, мазкур йўналишдаги ишлар талаб даражасида эмас. Бунинг оқибатида охирги уч йилда давлат органларининг 157 та қарори ўз кучини йўқотган қонунлар асосида чиқарилган.

Энди ўйлаб кўрайлик, қонунчиликка киритилаётган янгиликлар ўз вақтида жойларга, айниқса, ижрочиларга етказилмайдиган бўлса, уларнинг бажарилиши ҳақида нима дейиш мумкин?

Бу муаммони самарали ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли — қонунлар ижросини ташкил этиш бўйича соатдек аниқ ишлайдиган механизм яратишдир.

Қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказишда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларида битта-иккита мақола ёки кўрсатув билан чекланиш мумкин эмас. Қабул қилинган қонунларни атрофлича муҳокама қилиш, юртдошларимизнинг уларга муносабатини ифода этадиган таҳлилий материаллар, кўрсатув ва эшиттиришлар, афсуски, жуда кам.

Янги қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорларнинг асосий маъносини аҳолига етказиш бўйича самарали механизм яратиш керак.

Ҳозирги кунда Адлия вазирлигининг бу борадаги фаолиятини талаб даражасида деб бўлмайди. Шу муносабат билан ушбу вазирлик ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятини танқидий кўриб чиқиш зарур.

Адлия вазирлиги мутасадди идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунларнинг маъно-мазмунини жойларга етказиш, уларни кенг тарғиб қилишга қаратилган аниқ таклифларни ишлаб чиқиши лозим.

Иккинчидан, қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Айнан шу нуқтаи назардан қараганда, 20 йил аввал бу борада қабул қилинган Миллий дастурни янгидан ишлаб чиқишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Парламентимиз жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича янги Миллий дастурни яратишда бош-қош бўлиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Конституциямизда олий қадрият сифатида белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади. Бунинг учун **суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигига эришиш** нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини албатта барчамиз яхши тушунамиз.

Бу борада яқинда қабул қилинган Фармон ижросини таъминлаш биринчи даражали вазифамиздир.

Хусусан, судьяларнинг ваколат муддатини узайтириш, суд ишларида адолатли қарорлар қабул қилишга қодир бўлган, юксак малакали суд ходимлари корпусини шакллантиришимиз лозим.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга ва одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг муҳим кафолатидир.

Судларда ишларни кўриш сифатини ошириш, айниқса, фуқаролик ишларида овора бўлиб юришларнинг олдини олиш, айнан бир инстанция судида ишни бир неча маротаба кўриб турли қарорлар қабул қилиш амалиётига чек қўйиш вақти келди.

Қонунчилигимизда адвокатларнинг самарали фаолият юритиши учун барча асослар яратилган. Лекин, афсуски, адвокатура ҳанузгача фуқаролар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш институтига айлангани йўқ.

Шу боисдан ҳам суд-ҳуқуқ соҳасида адвокатуранинг ўрни ва ролини янада ошириш, унинг ваколатларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишимиз керак.

Биз **«Адолат — қонун устуворлигида»** деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз.

Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун аввало маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларининг иш самараси ва масъулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини кўришимиз даркор.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш учун биз фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан самарали ҳамкорликни кенг йўлга қўямиз.

Айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзлари томонидан қонунни бузиш билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатга принципиал баҳо берилади ва қатъий чора кўрилади. Бунга ҳеч кимда шубҳа бўлмаслиги керак.

Жамият ривожига ғов бўлаётган яна бир иллат — бу коррупция балосидир. Бундай хатарга қарши курашиш мақсадида яқинда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунни тезроқ амалиётга жорий этиш чора-тадбирларини кўришимиз лозим.

Буларнинг барчаси ўз навбатида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга, халқимизнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Муҳтарам юртдошлар!

Сизларга яхши маълумки, 2016 йил Биринчи Президентимиз ташаббуси билан «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилинган эди.

Бу борада давлат дастури тасдиқланиб, кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Бу ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш йўлидаги ишларимизни изчил давом эттириб, янада юксак босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Биринчи навбатда, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, барқарор ривожланаётган давлатнинг негизи бўлган оила институтини мустаҳкамлаш мақсадида қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база янада кучайтирилди.

Хусусан, жорий йилда қабул қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун ушбу соҳанинг асосий йўналишлари бўлган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларни аниқ белгилаб берди.

Соғлом болани вояга етказишнинг муҳим шарти бўлган репродуктив саломатликни яхшилаш, туғма нуқсон ва хасталиклар билан туғилишларнинг олдини олиш, тиббиёт масканларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш учун тизимли ишлар амалга оширилди.

Бу ҳақда кўп гапириш мумкин, лекин мен фақатгина баъзи бир мисолларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Мамлакатимиздаги тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун жорий йилда 80 миллион доллар қийматидаги кредит ва грант маблағлари йўналтирилди.

Дастурда белгиланган тадбирлар бўйича 9 миллионга яқин фарзанд кўриш ёшидаги аёллар ва 10 миллионга яқин болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, соғломлаштирилди.

Жумладан, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида эшитиш бўйича нуқсони бўлган 350 дан ортиқ болада кохлеар имплантация операциялари амалга оширилди. Бунинг учун 21 миллиард сўм маблағ сарфланди. Лекин биз учун қанча маблағ кетгани эмас, балки юзлаб болаларимизнинг саломатлиги тиклангани муҳимдир.

Ана шундай ишлар қаторида 700 минг нафар бола пневмокок инфекцияси ва бошқа юқумли касалликларга қарши эмланди.

Дастур доирасида аёлларимиз учун зарур шароитлар яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этиш борасида ҳам катта ишлар қилинди.

Айни вақтда хорижий сармоялар иштирокида қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш, туман ва шаҳарлардаги сув тармоқларини модернизация қилиш мақсадида 100 миллион доллар маблағ жалб этилди.

Юртимизда болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қиз болалар ўртасида спортни оммалаштириш борасидаги ишларнинг давоми сифатида умумтаълим мактабларида 220 дан зиёд спорт заллари барпо этилди.

Ёш оилалар, тадбиркор аёллар, коллеж битирувчилари, оилавий бизнес ва ҳунармандликни қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан йил давомида 2 триллион сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди.

Албатта, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширган ишларимиз ҳақида яна узоқ гапириш мумкин. Лекин, мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, ана шу мақсадлар учун барча манбалар ҳисобидан 7 триллион 480 миллиард сўм ва 190 миллион доллардан зиёд маблағ сарфланди.

Шунинг ўзи, ўйлайманки, бу борадаги фаолиятимизнинг кўлами ва миқёси нақадар улкан эканидан далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, шу йўлда фидокорона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларига, бу олижаноб ишга ҳисса қўшган барча ватандошларимизга чин қалбдан миннатдорчилик билдирамиз.

Бугун мана шу залда ўтирган, бу масалада ўзининг ёрдам ва кўмагини аямаган халқаро ташкилотлар вакилларига, хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, келинглар, ҳаммамиз биргаликда самимий ташаккур ва эзгу тилакларимизни билдирайлик.

Азиз юртдошлар!

Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад — **инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш** масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса аввало одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак.

Яқинда бўлиб ўтган сайловолди учрашувларида мен бир нарсага амин бўлдим. Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унутиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очиқ ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш бизнинг фаолиятимизда, афсуски, охирги ўринга тушиб қолди.

Ҳозирги вақтда одамлар давлат идораларидан нимани истаяпти? Бу ҳақда гапирганда, эътиборингизни муҳим бир масалага қаратмоқчиман.

Хабарингиз бор, шу йил 25 сентябрда Бош вазирнинг интернет тармоғида электрон қабулхонаси ташкил этилган эди. Ўтган даврда ушбу қабулхонага фуқароларимиздан 218 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушди. Мурожаатларнинг қарийб 59 фоизи ечимини топган бўлса, 41 фоизи кўриб чиқилмоқда.

Очиқ айтишим керак, бу мурожаатлар таҳлилидан кўп нарса аён бўлди. Таъбир жоиз бўлса, улар ҳаётимизда мавжуд бўлган ўткир муаммоларга кўзимизни очиб берди.

Мана, одамлар нималар ҳақида мурожаат қилмоқда. Аввало, улар турли соҳалардаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, қонунга зид бўлган кўплаб идоравий йўриқномаларни бекор қилиш, ставкаси оптимал бўлган банк кредитлари ажратиш, тадбиркорлик бўйича ноқонуний текширишларга барҳам бериш ҳақида, ҳуқуқ-тартибот идораларининг фаолияти ҳақида мурожаат қилмоқда.

Шу билан бирга, аҳолимиздан уй-жой қурилиши, коммунал, транспорт ва савдо хизмати, энергия таъминотини, йўлларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича ҳам кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда.

Кўриб турибсизки, азиз дўстлар, бу талабларнинг барчаси қонуний ва адолатли. Бу борада ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Лекин шу ўринда бир савол туғилади: мана шу мурожаатларда кўтарилган ҳаётий муаммоларни жойлардаги ҳокимлик ва идоралар, тегишли мутасаддилар ўз вақтида ҳал этиши зарур эмасмиди? Ҳолбуки, бу масалада алоҳида қонун, яъни, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Лекин, минг афсуски, бу қонуннинг ижросини назорат қилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Шу сабабли ана шу қонун талабларини бажармаётган раҳбар ва мансабдор шахсларни нафақат маъмурий, балки жиноий жавобгарликка тортиш зарур, деб ҳисоблайман.

**Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак** ва бу ҳақиқатни аввало барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур.

Шу муносабат билан тадбиркорлик фаолияти ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш юзасидан яқинда қабул қилинган Фармон талабларига сўзсиз амал қилишни таъминлаш шарт. Нега деганда, халқ бой бўлса, давлат ҳам албатта бой ва қудратли бўлади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари тушунчалари ўзаро шунчалик боғланиб кетганки, уларни бир-биридан асло ажратиб бўлмайди.

↘ (3).

# ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларда фидойилик кўрсатган бир гуруҳ ватандошларимиз давлат мукофотлари — фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.**

«Ўзбекистон» анжуманлар саройида 7 декабр куни ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

— Авваламбор, сиз, азизлар билан бугун мана шундай кўтаринки, самимий кайфиятда кўришиб турганимиздан ғоят хурсандман, — деди Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев. — Барчангизга қалбимда бўлган чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Мустақиллик йилларида юртимизда кўплаб яхши анъаналар пайдо бўлди. Бугунги учрашувимиз ҳам айни шундай анъаналарнинг давомидир. Бундай гўзал маросимларга Биринчи Президентимиз Ислом Каримов асос солганини барчамиз яхши биламиз.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди. Бугун сизларга давлатимизнинг ана шу фахрий унвонлари, орден ва медалларини топширишни ўзим учун катта шараф, деб биламан.

Биз мамлакатимизда эркин ва озод, адолатли, инсонпарвар жамият барпо этмоқдамиз. Шу борада одамларимизнинг ҳалол меҳнатига ҳурмат билан қараш, уларнинг қадр-қимматини муносиб баҳолашни ўзимизнинг бош мақсадимиз, деб биламиз.

Шу ўринда истиқлол йилларида 29 минг 170 юртдошимиз давлат мукофотлари билан тақдирланганини айтиш лозим. Албатта, гап фақат мукофотларнинг сонида эмас. Бу мукофотлар, аввало, Ватанимиз равнақига беқиёс ҳисса қўшиб келаётган минглаб юртдошларимизни муносиб тақдирлашга хизмат қилаётгани билан ғоят аҳамиятлидир.

Шундай муҳтарам инсонлар орасида Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг борлиги ҳаммамизни қувонтиради, деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Бугунги хурсандчилик кунда омилкор деҳқон ва фермерларимизга, саноат корхоналари ва қурилиш майдонларида тер тўкиб ишлаётган ишчи-муҳандисларимизга, тинчлигимиз посбони бўлган жасур ҳарбийларимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди.

Ватанимизнинг энг олий мукофоти — Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланган фидойи муаллима Муҳаббат Шароповани, моҳир темир йўл қурувчиси Эркин Умматовни, уста деҳқон, фермер Шарипбой Ражабовни, машҳур шифокор Равшанбек Қурбоновни барчамиз чин қалбдан муборакбод этамиз.

Миллий Олимпия қўмитаси раиси Мираброр Усмоновни юксак мукофот билан қутлаймиз.

Бутун умрини Алишер Навоий бобомиз ижодини ўрганишга бағишлаб келаётган Самарқанд давлат университети профессори Муслиҳиддин Муҳиддиновга эзгу тилакларимизни изҳор этамиз.

Шулар қаторида таниқли ижодкорлар Энахон Сиддиқова, Гулистон Аннақличева, театр санъатининг фидойилари Эркин Комилов, Гавҳар Зокирова, Ўзбекистон рус маданий марказининг фаол аъзоси Елена Шавердова, шунингдек, Станислав Югай, Гулбаҳор Аймуратова сингари юртдошларимизнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Мана шу қувончли айёмда Бразилияда бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида Ватанимиз байроғини баланд кўтарган Фазлиддин Ғойибназаров, Руслан Нуриддинов, Шаҳрам Ғиёсов, Ҳасанбой Дўсматов, Шаҳобиддин Зоиров, Бектемир Меликўзиев, Муроджон Аҳмадалиев, Элмурат Тасмурадов каби мард ўғлонларимизга яна бир бор раҳмат айтсак ўринли бўлади, албатта.

Ҳаммамизнинг тилагимиз, истагимиз битта: сизлар мана шундай юксак ғалабаларни қўлга киритишдан ҳеч қачон чарчаманг. Биз сизларга давлатимизнинг мана шундай мукофотларини топширишдан чарчамайлик.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев давлат мукофотларини тантанали равишда топширди.

Ўзбекистон Қаҳрамони Муҳаббат Шаропова, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби Эркин Комилов, Ўзбекистон Республикаси халқ шоири Энахон Сиддиқова, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳибаси Гулистон Аннақличева, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби Ҳасанбой Дўсматов, «Дўстлик» ордени соҳибаси Елена Шавердова ва бошқалар давлатимизнинг юксак мукофотлари уларга янада куч-ғайрат бағишлашини, Ватанимиз тараққиёти ва халқ хизмати йўлида фидокорона меҳнат қилишга ундашини таъкидлади, юксак эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиздан миннатдор эканликларини билдирди.

**ЎзА**

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ГАРОВИ

(1-2).

Ана шу заруратдан келиб чиққан ҳолда, барча қонун ҳужжатларида халқ билан мулоқот тизими ҳақидаги нормаларни аниқ белгилаб қўйиш лозим, деб ҳисоблайман.

Ана шу фикр-мулоҳазаларнинг барчасини ҳисобга олиб, кириб келаётган 2017 йилни юртимизда **«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»** деб эълон қилишни таклиф этаман.

Энди, ижозатингиз билан, бу борадаги энг долзарб ва устувор вазифаларга атрофлича тўхталиб ўтсам.

Аввало, «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»нинг асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари юзасидан ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Бу борада аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усулларини жорий этишимиз даркор.

Биз аҳоли энг кўп мурожаат қиладиган давлат идоралари фаолиятида одамлар билан ишлаш бўйича сифат жиҳатидан мутлақо янги тизимга ўтиш ҳақида ўйлашимиз. Хусусан, 2017 йилдан бошлаб ўрта даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилади.

Шу билан бирга, ҳар бир туман ва шаҳарда «Халқ қабулхоналари»ни ташкил этиш ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлашимиз зарур.

Айтиш керакки, бундай қабулхоналар сиёсий партиялар, жумладан, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси тизимида фаолият кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Чунки сиёсий партия фуқароларнинг овоз ва манфаатларини рўёбга чиқарадиган куч сифатида одамлар қандай муаммоларга дуч келаётганидан доимо хабардор бўлиши керак.

Айни вақтда бу қабулхоналарнинг ҳуқуқий мақомини, уларнинг ваколат ва мажбуриятларини ҳам аниқ белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Бизнинг асосий мақсадимиз — «Халқ қабулхоналари»га қилинган ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайдиган тизим яратишдан иборат.

Мухтасар айтганда, одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очиқ мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш — аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу мақсадда аҳолига кундалик ва энг зарур бўлган давлат хизматларини «ягона дарча» принципи бўйича бир идора орқали кўрсатиш тизимини такомиллаштиришимиз керак.

Бундан ташқари, ҳар бир ҳудудда вазиятни, аввало, фармон ва қарорлар ижросини, уларнинг самарадорлигини доимий равишда ўрганиб, бу борада давлат органлари масъулиятини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқадиган тизимни шакллантиришимиз керак.

Фурсатдан фойдаланиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати раҳбариятига, депутатлар ва сенаторларга бир таклиф билан мурожаат қилмоқчиман.

Яъни, парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари кенгашлари сессияларида муҳокама қилиш тартибини жорий этишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Ҳар қайси вилоятдан, масалан, Сурхондарёдан сайланган Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлар ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда, айтайлик, Музработ туманида бўлиб, ўзлари сайланган ҳудуддаги ижроия ҳокимияти органи, прокуратура ва ички ишлар бўлимининг фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиши ва тегишли хулоса бериши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Маълумки, ҳозирги кунда Олий Мажлисимиз Сенати томонидан ҳар йили Бош прокуратуранинг ҳисоботи эшитилади. Бу албатта муҳим, лекин жойлардаги, масалан, узоқ Олот туманида маҳаллий ҳокимликлар, прокуратура ва ички ишлар бўлимларининг ҳисоботини ким эшитади?

Шу нуқтаи назардан қараганда, Биринчи Президентимиз жорий этган тизим асосида ҳурматли Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат раиси жойларга чиққанларида маҳаллий ҳокимликлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларидан улар ўз зиммасидаги вазифаларни қай даражада ижро этаётганига, аҳолини ўйлантираётган муаммоларни, уларнинг мурожаатларини қандай ҳал қилаётганига алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Бу борадаги ишларни ташкил этишда парламент сўрови, тегишли давлат идоралари раҳбарлари ахборотларини эшитиш каби ваколатлардан кенг фойдаланиш керак.

Ўтказилган барча ўрганишлар натижаларини умумлаштириб, ҳар йили бир марта ички ишлар вазирининг энг аввало профилактика соҳасидаги фаолияти юзасидан ҳисоботини Сенатда эшитиш амалиётини жорий этиш ҳам тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Шу мақсадда Олий Мажлис 2017 йилдан бошлаб ҳар қайси вилоят бўйича бир йилга мўлжалланган иш режасини белгилаб олиши ўринли бўларди.

Келгусида биз маҳаллий ҳокимларни бевосита халқ томонидан сайлаш масаласи ҳақида ҳам ўйлаб, муҳокама қилиб кўришимиз керак. Ҳар бир ҳудуд ўз раҳбарини ўзи сайласа, раҳбарларнинг халқ ва жамият олдидаги масъулиятини кескин оширишга эришиш мумкин.

**Ҳозиргина баён қилинган устувор вазифалар давлат бошқаруви тизимини бугунги ва эртанги кун талабларидан келиб чиқиб, янада такомиллаштиришни тақозо этади.**

Бу борада 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган, Ўзбекистон Республикасида маъмурий бошқарув соҳасидаги ислоҳотлар концепциясини қабул қилиш кўзда тутилмоқда.

Ушбу концепцияга мувофиқ, давлат бошқаруви органлари тузилмасини, вазифа ва ваколатларини оптималлаштириш, уларнинг ўзига хос бўлмаган, такрорланадиган функцияларини ҳамда ходимлар умумий сонини қисқартириш, шунингдек, давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ролини кескин камайтириш бўйича аниқ тадбирлар амалга оширилади.

Президент девони ва Вазирлар Маҳкамаси ижро аппарати фаолиятини такомиллаштиришга, қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорлар самарали амалга оширилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз.

Шу билан бирга, давлат хизмати институтини ислоҳ этиш, давлат хизматчиларининг моддий ва ижтимоий таъминоти, уларнинг касбий тайёргарлигини тубдан такомиллаштириш, бу соҳага янгича фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, ватанпарвар кадрларни жалб этиш бўйича самарали тизим яратилади.

Ана шу масалаларнинг барчаси яқинда ишлаб чиқиладиган «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонунда ўз ифодасини топади.

Ҳурматли дўстлар!

Инсон манфаатларини таъминлашда иқтисодиётимизнинг юксак суръатлар билан барқарор ривожланиши қандай катта аҳамиятга эга эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Самарали меҳнат учун зарур шароитлар, муносиб иш ҳақи, замонавий уй-жойлар, сифатли таълим ва тиббий ёрдам, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш — буларнинг барчаси иқтисодий соҳадаги ислоҳотларимиз моҳияти ва мазмунини белгилаб берадиган муҳим омиллардир.

Шу борада нафақат энг кам ойлик иш ҳақини, балки бюджет ташкилотларида ҳам, хўжалик юритувчи субъектларда ҳам ўртача иш ҳақи миқдорини, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини босқичма-босқич кўпайтириш эътиборимиз марказида бўлади.

Аҳолини иш билан таъминлаш биз учун нафақат иқтисодий, айни пайтда катта ижтимоий аҳамиятга эгадир. Ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар, иш берувчи ташкилотлар билан бир қаторда банк муассасалари ҳам бу ишга янада фаол жалб этилиши керак.

Аҳоли бандлигини ҳал этишда туризмни ривожлантириш бўйича катта имкониятларни ҳам ишга солишимиз лозим.

Шу мақсадда яқинда ташкил этилган Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ўз маблағларини ва хорижий сармояларни халқаро стандартларга мос келадиган инфратузилмаларни ривожлантиришга йўналтириши зарур.

Мамлакатимизда инвестиция сиёсатини кучайтириш масаласига биз алоҳида устувор аҳамият қаратамиз.

Хорижий сармояларни ва илғор технологияларни иқтисодиётга жалб этиш учун чет эллардаги дипломатик ваколатхоналаримиз жиддий иш олиб бориши лозим.

Бунинг учун Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини кучайтириш, чет мамлакатлардаги элчиларимиз нафақат сиёсий, айни вақтда юртимизга инвестицияларни жалб қилиш масалалари билан ҳам фаол шуғулланишлари даркор. Уларнинг бу борадаги фаолиятини назорат қилиш учун Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитасининг фаолият соҳаси ва ваколатларини кенгайтириш зарур, деб ҳисоблайман.

Бу қўмита халқаро иқтисодий ҳамкорлик, чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш масалалари бўйича парламент назоратининг муҳим бўғинига айланиши лозим.

Қўмита мамлакатимизга инвестицияларни жалб қилиш борасидаги ишларнинг самарадорлиги, бу соҳадаги муаммолар, тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, инвестициявий муҳитни яхшилаш бўйича тегишли идораларнинг масъулиятини ошириш чораларини кўриши мақсадга мувофиқ бўлади.

Инсон манфаатларини таъминлаш яна бир муҳим масала — аҳолимизнинг ярмидан кўпи яшайдиган қишлоқ жойларда ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш билан бевосита боғлиқдир. Шу сабабли биз бундан буён ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишга, илғор технологияларни жорий этишга асосий эътиборни қаратамиз. Шу билан бирга, хомашёни, энг аввало пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш бўйича аниқ режалар белгиланмоқда.

Яна бир устувор вазифа — янги 2017 йилдан бошлаб қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон ва қулай уй-жойлар қуриш дастурини амалга оширишга киришамиз.

Азиз дўстлар!

Барчамизга аёнки, юртимиздаги ҳар қайси инсон, ҳар қайси оиланинг энг эзгу орзу-мақсадлари, ҳаётий манфаатлари аваламбор унинг фарзандлари тимсолида намоён бўлади, рўёбга чиқади. Албатта, бу борада юртимизда улкан ишлар қилинмоқда ва улар амалда ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Бу ҳақда гапирганда, барчамизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайдиган бир мисолни айтиб ўтмоқчиман. Жорий йилда Бразилияда ўтказилган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз 44 та медал, жумладан, 12 та олтин медални қўлга киритгани мамлакатимиз ҳаётида тарихий воқеа бўлди.

Фурсатдан фойдаланиб, халқаро майдонларда юртимиз байроғини баланд кўтариб келаётган спортчи ёшларимизга, уларнинг ота-оналари ва устоз-мураббийларига чуқур миннатдорлик билдираман.

«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» дастуридан ёшларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш масаласи алоҳида ўрин эгаллаши табиийдир.

Бу борада фарзандларимиз учун зарур шароитлар яратиш, янги-янги таълим-тарбия, маданият, санъат ва спорт масканларини барпо этиш, ёш оилалар учун уй-жойлар қуриш, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш бўйича бошлаган ишларимизни янги, юксак босқичга кўтарамиз.

Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз.

Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини мен жуда-жуда истардим.

Мана, улуғ аждодимиз нима деб ёзганлар:

**«Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ».**

Қаранг, қандай бебаҳо, олтинга тенг сўзлар!

Бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, «оммавий маданият» деган турли бало-қазоларнинг хавфи тобора кучайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу сўзларнинг чуқур маъноси ва аҳамияти янада яққол аён бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда.

Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда.

Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим.

Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада уюшмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой меросига таянамиз. Фарзандларимиз, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни, хорижий тилларни эгаллашлари, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб, ҳаётдан муносиб ўрин топишлари учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Бизнинг навқирон авлодимиз манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолиятимиз яқинда қабул қилинган **«Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»**ги қонун асосида қатъий давом эттирилади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати барча ёшларимиз интиладиган, уларнинг қобилият ва иқтидорини рўёбга чиқарадиган ва манфаатларини ҳақиқий ҳимоя қиладиган ташкилотга айланиши учун барча чораларни кўрамиз.

Азиз дўстлар!

Барчамизга яхши аёнки, инсон манфаатларини юрт тинчлиги, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитидан ажратган ҳолда тасаввур этолмаймиз. Буларнинг барчаси бизнинг бебаҳо бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек сақлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Бу борада маҳалла идоралари, хотин-қизлар, нуронийлар, ёшлар ташкилотларининг ўрни ва ролини янада кучайтириш эътиборимиз марказида бўлади.

Айни вақтда ҳозирги мураккаб замон тинч-осойишта ҳаётимизни асраш ва мустаҳкамлаш, халқимизнинг кафолатланган хавфсизлигини таъминлаш масаласини янада долзарб қилиб қўймоқда. Шу мақсадда биз ҳозирги вақтда Ички ишлар вазирлиги тизимини тубдан ўзгартириш чора-тадбирларини кўряпмиз.

Ўз пайтида муҳтарам Юртбошимиз ички ишлар органларининг энг қуйи тизимида профилактика инспекторларини ташкил қилган эдилар. Аммо бугун бу инспекторлар профилактика, яъни жиноятларнинг олдини олиш билан шуғулланмаяпти, аксинча, содир бўлган жиноятларни рўйхатга олиш, юқори идораларга ҳисобот ёзиш билан банд.

Шу сабабли бу масалага қарашимизни тубдан ўзгартириб, маҳаллалардаги участка нозирларига самарали фаолият кўрсатиши учун барча зарур иш ва турмуш шароитларини яратиб берамиз.

Шунингдек, ҳар бир туман ҳокими ва туман ички ишлар бўлимлари раҳбарларининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари лавозими жорий этилади. Бу раҳбарларнинг асосий вазифаси маҳаллада участка инспекторлари билан ишлашни ташкил этишдан иборатдир.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Мамлакатимизда инсон манфаатлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда бизнинг сайловолди дастуримиздан жой олган, ҳозирги кунда ишлаб чиқилаётган мақсадли дастурлар муҳим ўрин тутади. Бу дастурлар одамларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада оширишни таъминлашга қаратилган.

Шу мақсадда мамлакатимиз Ҳукумати Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати билан биргаликда ва жамоат ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар иштирокида 2017— 2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегиясини ишлаб чиқмоқдамиз.

Ушбу стратегияда давлат қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш бўйича энг долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилади.

Азиз дўстлар!

Биз ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятимизни аввало халқимиз, Ватанимиз манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда амалга оширамиз.

Бу сиёсатнинг асосини тинчликпарварлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, юзага келадиган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этиш ташкил этади.

Биз бундан буён ҳам узоқ-яқиндаги барча хорижий мамлакатлар, жаҳон ҳамжамияти билан самарали ҳамкорлигимизни давом эттирамиз. Бу борада очиқ, дўстона ва прагматик сиёсат олиб бориш тамойилига содиқ қоламиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар билан фаол муносабатлар ва ҳамкорлик олиб бориш Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига хизмат қилади.

Биз Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Халқаро валюта жамғармаси, бошқа халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар билан амалий ҳамкорликни янада ривожлантирамиз.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Биз янги — 2017 йилга эзгу ва олижаноб мақсадлар билан қадам қўймоқдамиз.

Буни ҳозиргина эълон қилинган «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» бўйича барчамиз, бутун халқимиз қалбидаги орзу-интилишлар ифодаси бўлган режа ва мақсадларимиз яққол тасдиқлаб турибди.

Ишончим комил, ана шу олижаноб вазифаларни ҳал этишда давлат ва нодавлат ташкилотлар, маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар вакиллари, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз фаол иштирок этади.

Кириб келаётган янги йил сиёсатимизнинг бош мақсадини, яъни, **инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ,** деган эзгу ғояни изчил давом эттириш, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этиш йўлида яна бир улкан қадам бўлади.

Барчангизни Конституциямиз байрами билан самимий табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# Фидокорона меҳнатларнинг муносиб эътирофи

**Биринчи Президентимиз Ислом Каримов кудратли давлат асосчиси, тинчлик, бунёдкорлик, барқарорлик ва фаровонлик ҳомийси, илм-фан, таълим, санъат, маънавият ва маърифат ривожига кенг йўл очган буюк давлат арбоби сифатида инсоният тарихида мангу қолади.**

Мамлакатимизда мустақил тараққиёт даврининг янги босқичи бошланаётган шу кунларда халқимиз бу ҳақиқатни такрор ва такрор қалбидан ўтказмоқда.

Бу жиҳатлар Ўзбек Миллий академик драма театрида фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиздан бир гуруҳига давлатимизнинг юксак мукофотларини топширишга бағишлаб ўтказилган тадбирда яна бир карра ўз исботини топди.

Тадбирда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий анъаналаримиз бардавомлигини таъминлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг онг-шуурини ҳаёт тарзимизга ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, бу эзгу йўлда хизмат қилаётган инсонларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга улкан эътибор қаратгани, бу улуғ ишлар бундан кейин ҳам катта ғайрат-шижоат билан изчил давом эттирилиши таъкидланди. Зеро, 4 декабр куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқимиз Биринчи Президентимиз илгари сурган ғояларга содиқлигини, ўзаро аҳил, ҳамжиҳатлигини, улуғ мақсадлар йўлида якдил ҳаракат қилишини ва улкан натижаларга эриша олишини яна бир бор намоён қилди.

— Мустақиллик арафасида ўзбек театрининг мавжуд салоҳиятини йўқотиб қўйиш хавфи юзага келган эди. Шунда давлатимиз театр санъатига алоҳида эътибор қаратди. Янги театрлар ташкил этилди, санъат даргоҳларининг бинолари тубдан таъмирланди, санъаткорлар меҳнати қадр топди, — дейди Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбек Миллий академик драма театри актёри Зуҳра Ашурова. — Бу эътибор ва ғамхўрликка жавобан замон руҳидаги асарлар яратиш театр санъаткорларининг бурчидир.

— Бу йил Рио Олимпиадасида боксчиларимиз 3 олтин, 2 кумуш ва 2 бронза медални қўлга киритиб, Куба, АҚШ, Буюк Британия, Россия каби бокс энг ривожланган давлат спортчиларини ортда қолдириб, дунёда биринчи ўринни эгаллагани халқимизга ғурур, эртанги кунга мустаҳкам ишонч бағишлади, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози, бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи Раҳматжон Рўзиохунов. — Бугун давлатимизнинг ушбу юксак мукофотини қўлимга оларканман, эзгу бир ниятимни айтай: мамлакатимизда спорт ривожи, ёш авлоднинг ўз истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун бундан кейин янада кенг шароит ва имкониятлар яратилади. Насиб қилса, тўрт йилдан сўнг Токио Олимпиадасида ҳам Ватанимиз байроғини баланд кўтарганча ўзбек спортчилари куч-қудратга эга эканини жаҳонга яна бир карра исботлаб бермоқчимиз.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов топширди.

**У.ЁҚУБОВ,**
**ЎзА мухбири**

**Тошкент давлат аграр университетида Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.**

# Табиатни асраш конституцион бурчимиз

Пойтахтимиздаги бир қатор олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, экологлар, талабалар иштирок этган тадбирда мамлакатимизда табиатни асраб-авайлаш, ер ости ва ер усти бойликларидан оқилона фойдаланиш, экотизим барқарорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Бу борада амалга оширилган ишлар ҳақида гап кетар экан, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-, 54-, 55-моддалари тилга олинади. Шунингдек, мустақиллик йилларида табиий бойликларни асраб-авайлаш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, турли глобал экологик муаммоларнинг олдини олишга қаратилган мустаҳкам миллий ҳуқуқий асослар яратилди, 40 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Тадбир иштирокчилари мавзу доирасида ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрофлича жавоб олди.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, туризм тармоғини бошқаришни тубдан такомиллаштириш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғибот қилиш, туризм соҳасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантириш мақсадида:

1. Қуйидагилар ўрта муддатли истиқболда туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишлари этиб белгилансин:

туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини шакллантириш ва изчил амалга ошириш, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, ушбу соҳани барча ҳудудларни ва ўзаро боғлиқ тармоқларни комплекс равишда жадал ривожлантиришнинг етакчи кучига айланиши лозим бўлган иқтисодиётни диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожланишнинг қудратли воситасига айлантириш, яратиладиган ялпи ички маҳсулотда, маҳаллий бюджет даромадларида туризмнинг улушини кўпайтириш, иш билан бандликни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

туризм индустрияси субъектлари фаолияти учун қулай шарт-шароитларни шакллантиришга йўналтирилган туризм фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, туризмнинг ривожланишидаги барча тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш, виза ва рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларини, паспорт ва божхона назоратини соддалаштириш, туризм соҳасини давлат томонидан бошқариш ва бозорга хос тарзда тартибга солиш механизмини мақбуллаштириш, туризм соҳасида тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантириш ва туризм хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, туризм соҳасида статистик ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш;

туризм хизматларини ташкил этишда, энг аввало, туристлар жойлаштириладиган жойларда, овқатланиш пунктларида, республика ҳудуди бўйлаб ҳаракатланишда, туризм объектларига ташрифларни уюштиришда туристлар ва экскурсантларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

мамлакатда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризм билан биргаликда туризмнинг бошқа салоҳиятли турларини — зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик туризми ва бошқа турларини жадал ривожлантириш, болалар, ўсмирлар ва ёшлар туризмини, оилавий туризмни, кексалар учун ижтимоий туризмни ривожлантириш ҳисобига туризмнинг ижтимоий аҳамиятини кучайтириш, ҳудудларда янги туризм йўналишларини ташкил этиш, уларни паспортлаштириш, туризм йўналишлари ва туризм объектлари бўйича ягона миллий реестрларни шакллантиришга йўналтирилган ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

туризм фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни, биринчи навбатда, БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО), хорижий мамлакатларнинг туризм бўйича нуфузли халқаро ва миллий ташкилотлари — туризм хизматлари минтақавий ва жаҳон бозорларининг фаол иштирокчилари билан ҳамкорликни кенгайтириш, Ўзбекистоннинг туризм соҳасида тартибга солувчи универсал халқаро конвенциялар ва битимлардаги иштироки, туризм фаолияти амалиётига халқаро ва давлатлараро стандартлар ва нормаларни жорий этиш;

республиканинг барча минтақаларида замонавий жаҳон стандартларига, туристларнинг эҳтиёжлари ва талабларига жавоб берадиган туризм индустрияси объектларини — меҳмонхоналарни ва жойлаштиришнинг шу каби воситаларини, умумий овқатланиш объектларини, транспорт-логистика тузилмаларини, ахборот марказларини, маданият ва спорт муассасаларини жадал ривожлантириш, асосий туризм йўналишлари бўйича йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини, йўлбўйи инфратузилмасини жадал қуриш ва реконструкция қилиш, ушбу мақсадлар учун хорижий инвесторларни кенг жалб этиш;

халқаро туризм ривожланиши тенденцияларини ва замонавий маркетинг воситалари қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда, рақобатбардош туризм маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқиш, уларни ички ва халқаро туризм бозорларида тарғибот қилиш бўйича стратегияни ишлаб чиқиш, қулай туризм ахборот муҳитини ташкил этиш ва ривожлантириш, кенг реклама-ахборот фаолиятини амалга ошириш, мамлакат ҳудудларида туризм ахборот марказлари ва чет элда туризм ваколатхоналари очиш, Интернет тармоғидан фаол фойдаланиш, ҳар йили Тошкент халқаро туризм ярмаркасини ўтказиш йўли билан туризм соҳасида мамлакатимизнинг ижобий қиёфасини шакллантириш;

туризм тармоғи учун, айниқса менежмент ва маркетинг соҳасида малакали кадрларни сифатли тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, гидлар (экскурсия етакчилари) тайёрлаш, туризм фаолияти субъектлари ходимларини мунтазам равишда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

2. Тугатилаётган «Ўзбектуризм» Миллий компанияси негизида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси зиммасига қуйидаги функциялар:

туризм туроператорлик фаолиятини лицензиялаш;

Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш бўйича миллий органи — «Ўзстандарт» агентлиги билан мустаҳкам ўзаро ҳамкорликда туризм фаолияти субъектлари томонидан кўрсатиладиган туроператорлик (туризм маҳсулотлари) хизматлари ва меҳмонхона хизматларини мажбурий сертификатлаш, шу жумладан турли ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги меҳмонхоналарнинг (мотелларнинг) таснифини белгилаш;

сертификатланадиган туризм хизматларининг норматив ҳужжатларда белгиланган мажбурий талаблар ва стандартларга мувофиқлиги бўйича инспекция назоратини амалга ошириш юклансин.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаш тизимида аккредитация қилинган туризм хизматларини сертификатлаш бўйича органлар ҳам туризм хизматларининг айрим турларини сертификатлаш субъектлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органлари, мулкчилик шакллари ва идоравий бўйсунишидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар, ташкилотлар билан биргаликда уч ой муддатда ушбу Фармонда белгиланган туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадлари ва устувор вазифаларидан келиб чиқиб, ўрта муддатли истиқболда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясини, шунингдек 2017 — 2021 йилларда Концепцияни амалга оширишга доир аниқ чора-тадбирлар Дастурини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Белгилансинки, 2017 йил 1 январдан бошлаб:

фақат туризм фаолиятини ташкиллаштиришни таъминлайдиган туризм корхоналари — туризм операторлари, туризм агентликлари, экскурсия ташкилотлари, туризм фирмалари туризм фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи юзасидан лицензияланадилар;

туризм фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия олишда туризм хизматлари сертификати билан тасдиқланган туристлар ва экскурсантларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфсизликни таъминлаш тизимининг мавжудлиги мажбурий лицензия талаби ва шарти ҳисобланади;

меҳмонхоналарда ва жойлаштиришнинг шу каби воситаларида туризм хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишга лицензия мавжуд бўлиши бўйича талабни бекор қилган ҳолда, туризм фаолияти билан боғлиқ бўлган субъектлар — меҳмонхоналар, мотеллар, кемпинглар ва жойлаштиришнинг шу каби воситалари томонидан кўрсатиладиган туризм хизматлари мажбурий сертификатланади. Бунда 2018 йил 1 январдан бошлаб хорижий туристларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари ва автотранспорт корхоналарини мажбурий сертификатлаш жорий этилади;

гидлар (экскурсия етакчилари), кузатиб борувчи-йўриқчиларнинг хизматлари фақат улар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан бериладиган малака сертификати олгандан кейин жисмоний шахслар ёки юридик шахсларнинг ходимлари томонидан амалга оширилиши мумкин;

туризм корхоналари туризм фаолияти субъектлари билан фақат уларда мувофиқлик сертификати мавжуд бўлган тақдирда улар томонидан хорижий туристларга туризм хизматлари кўрсатиш юзасидан шартномалар (битимлар) тузиш ҳуқуқига эга.

5. Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифи учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва виза тартиб-таомилларини соддалаштириш мақсадида 2017 йил 1 апрелдан бошлаб:

туризм мақсадида Ўзбекистон Республикасига 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатга келувчи Австралия, Австрия, Буюк Британия, Германия, Дания, Испания, Италия, Канада, Люксембург, Нидерландия, Корея Республикаси, Сингапур, Финляндия, Швейцария ва Япония фуқаролари учун;

55 ёшга тўлган ва туризм мақсадида 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатга Ўзбекистон Республикасига келувчи Бельгия Қироллиги, Индонезия, ХХР (туристлар гуруҳлари таркибида), Малайзия, АҚШ, Франция, Вьетнам, Исроил, Польша, Венгрия, Португалия ва Чехиянинг фуқаролари учун виза режими бекор қилинсин.

Белгилансинки:

2017 йил 1 апрелдан бошлаб ушбу бандда кўрсатиб ўтилган хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикасига киришда 50 АҚШ доллари миқдорида Давлат бюджетига ўтказиладиган кириш йиғимини тўлайдилар;

кириш йиғими тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат мамлакатга кириш учун асос ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Марказий банк билан биргаликда 2017 йил 1 мартгача бўлган муддатда хорижий фуқаролар томонидан кириш йиғими тўланиши тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2017 йил 1 январгача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун:

барча мамлакатлар учун 30 кун муддатга бериладиган ягона туризм визаларини жорий этиш;

халқаро аэропортларда ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида визаларни олиш, шу жумладан транзит визаларни олиш тартибини сезиларли равишда соддалаштириш;

хорижий мутахассисларнинг Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар олиш тартиб-таомилини соддалаштириш ҳамда уларга жисмоний шахсларнинг даромадларидан солиқ тўлаш бўйича имтиёзлар бериш;

визаларни расмийлаштириш ва бериш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш, шу жумладан, Ташқи ишлар вазирлигининг консуллик бошқармасига ва Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналарига ташриф буюрмасдан виза олишга ҳужжатларни топшириш ва сўровномаларни тўлдиришда онлайн тизимдан фойдаланиш, шунингдек 2018 йилдан бошлаб электрон визалар тизимини жорий этиш бўйича аниқ таклифлар киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Ўзбекистоннинг чет эллардаги элчихоналари ҳузуридаги савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилар зиммасига миллий туризм маҳсулотларини тарғибот қилиш ва Ўзбекистон Республикасига туристлар оқими кўпайишида кўмаклашиш мажбуриятини юкласинлар.

8. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда:

2017 йил 1 апрелгача бўлган муддатда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарларининг халқаро аэропортларида республикага келувчи (кетувчи) хорижий туристлар учун «яшил йўлак» божхона назорати тизимини, паспорт ва божхона назоратидан ўтишнинг, багажни олишнинг, транспорт хизмати кўрсатишнинг соддалаштирилган тартиб-таомилини жорий этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрсинлар;

республика аэропортлари ва вокзалларида хорижий фуқароларга қўшимча қулайликлар яратиш ҳамда паспорт назоратидан ўтиш жараёнини тезлаштириш мақсадида резидентлар ва норезидентлар томонидан ушбу тартиб-таомилдан алоҳида-алоҳида ўтишни ташкил этсинлар;

хорижий туристларни кутиб олувчи ёки кузатувчи туризм фаолияти субъектлари ходимларига режим ва қўриқлаш чоралари талабларига риоя этган ҳолда белгиланган тартибда берилган махсус рухсатномалар бўйича аэропортлар ва вокзаллар биноларига кириш ҳуқуқини берсинлар;

аэропортларда ва темир йўл вокзалларида қулай туризм ахборот маконини, шу жумладан туризм-ахборот пунктлари фаолиятини, туризм навигация тизимини, йўналиш олиш белгиларини ўрнатиш ва бошқа шу каби тадбирларни ташкил этиш ва ривожлантириш ҳисобига йўловчиларга, шу жумладан бепул асосда кўрсатиладиган хизматлар даражаси ва сифатини ошириш чора-тадбирларини тизимли равишда амалга оширсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда меҳмонхоналарда ва бошқа жойлаштириш жойларида яшовчиларнинг электрон шаклда Интернет тармоғи орқали ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган махсус электрон дастурини яратсин.

10. 2017 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги тартиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳмонхоналарда ва бошқа жойлаштириш жойларида хорижий фуқароларга ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий турар жойига эга бўлмаган, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, жойлаштириш бўйича хизматларга шу жумладан туризм фаолияти субъектлари орқали ҳақ тўлаш фақат эркин алмаштириладиган валютада амалга оширилади, улар учун тўлов республиканинг таклиф этувчи давлат ва бюджет ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно. Бунда туризм йиғими хизматларга ҳақ тўланган валютада тўланади;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан туризм операторларига тўловни нақд эркин алмаштириладиган валютада тўлашга рухсат этилади ва бу тўловлар кейинчалик туризм хизматлари учун хорижий шерикларга нақдсиз тўлов учун инкассация қилинади;

туризм операторлари улар томонидан кўрсатиладиган туризм хизматлари учун тушадиган хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотишдан озод қилинади;

меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш жойлари хорижий фуқароларга кўрсатиладиган туризм хизматлари учун тушадиган хорижий валютадаги тушумнинг 25 фоизини белгиланган тартибда мажбурий сотадилар;

туристларни қабул қиладиган туризм операторлари, шунингдек уларнинг ходимлари туристлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бузилганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлишига доир тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидалар бундан мустасно.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тижорат банклари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тавсия қиладиган туризм инфратузилмаси объектларининг валюта тўловларини қабул қилиш терминаллари билан жиҳозланишини таъминлаш тавсия этилсин.

12. Юридик шахслар белгиланган тартибда сертификатланган камида 4 юлдузли даражадаги меҳмонхона ва мотелларни фойдаланишга топширганда улар юридик шахсларнинг фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғидан, шунингдек ягона солиқ тўловидан 5 йил муддатга озод қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, туризм фаолияти субъектлари томонидан туристларни ташиш учун мўлжалланган, сиғими 9 кишидан ортиқ бўлган янги автотранспорт воситалари сотиб олинганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига йиғим сотиб олинган автотранспорт воситалари қийматининг 3 фоизи миқдорида ундирилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбектуризм» Миллий компаниясини ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 27 июлдаги ПФ-447-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 2 декабр

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ўзбекистон ноёб бир мамлакат бўлиб, унинг ҳудудида энг қадимги тамаддун ва маданиятлар юзага келган, ривожланган, ўз жозибадорлиги жиҳатидан дунёдаги дам олиш ва саёҳатлар учун энг яхши масканлардан қолишмайдиган улкан туризм салоҳиятига эгадир. Бугунги кунда мамлакатимизда 7 мингдан зиёд нодир тарихий ёдгорликлар ва улуғвор ҳамда бетакрор архитектура намуналари мавжуд. Мамлакатнинг сўлим қўриқхоналари ва миллий боғлари унинг бой ва ранг-баранг табиати дурдоналаридир. Мамлакатда миллий маданият, санъат ва ҳунармандчиликнинг кўп асрлик анъаналари авайлаб асраб келинди ва ривожлантирилмоқда. Жаҳонга машҳур миллий таомларимиз ва пазандачилик соҳасидаги анъаналаримиз Шарқ меҳмондўстлигининг рамзи ҳисобланади.

Шунга қарамай, Ўзбекистоннинг туризм инфратузилмаси, туризм хизматлари сифати ва унинг даражаси, шунингдек тармоқни бошқариш тизими глобаллашув ва кескин рақобат шароитида замонавий талабларга мос келмайди. Туризмнинг мамлакат иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва аҳолини иш билан таъминлаш жаҳондаги ўртача кўрсаткичлардан орқада қолмоқда.

Ваҳоланки, туризм индустрияси жаҳон иқтисодиётининг энг жадал ривожланиб бораётган тармоқларидан бири ҳисобланади, туризмнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улуши 10 фоиздан кўпроқни ташкил этади, тармоқда жаҳондаги меҳнатга қобилиятли аҳолининг 8 фоизга яқини иш билан банд, туризм хизматлари жаҳон экспортининг 7 фоиздан кўпроғини ташкил этади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган Фармони туризм тармоғини жадал ривожлантиришни таъминлашга, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини беришга, уни мамлакат иқтисодиётини барқарор ўстиришнинг, минтақаларда туризм салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда туризм ролини кучайтиришнинг қудратли воситасига айлантиришга қаратилгандир.

Фармонда туризм соҳасида давлат сиёсатининг сифат жиҳатдан янги босқичга ўтишини белгилаб берадиган ушбу тармоқни тубдан ислоҳ қилиш бўйича мисли кўрилмаган чора-тадбирлар назарда тутилади, қуйидаги асосий мақсадли вазифалар ва устувор йўналишлар белгиланади:

туризм индустрияси субъектлари фаолияти учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш, туризмни ривожлантиришдаги барча тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш, виза ва рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларини, паспорт ва божхона назоратини соддалаштириш;

туризм хизматларини ташкил этишда туристлар ва экскурсантларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

туризмнинг янги салоҳиятли турлари — зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик, болалар, ёшлар ва оилавий туризмни жадал ривожлантириш;

туризм соҳасида халқаро ва миллий ташкилотлар, йирик хорижий брендлар ва компаниялар билан ҳамкорликни кенгайтириш, туризм хизмати кўрсатишнинг илғор жаҳон сифат стандартларини жорий этиш;

республика минтақаларида туризм инфратузилмасининг замонавий объектлари, энг аввало меҳмонхоналар, транспорт-логистика тузилмалари, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш;

рақобатбардош туризм маҳсулотларини ишлаб чиқиш, минтақаларда янги туризм йўналишларини яратиш, уларни жаҳон туризм бозорларига олиб чиқиш;

туризм тармоғи учун малакали кадрларни сифатли тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш.

Давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадли вазифалар ҳамда устувор йўналишларни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекстон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилди, унинг минтақаларда бўлимлари ва ваколатли вакиллари фаолият олиб боради.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолияти энг аввало назорат ва маъмуриятчилик вазифаларини амалга оширишга эмас, балки туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаоллигини кучайтиришга бутун чоралар билан кўмаклашишга, туризмни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган барча ғовлар ва тўсиқларни бартараф этишга, туризм хизматлари бозорида рақобатни ривожлантиришга йўналтирилади.

Фармонда туризм соҳасида лицензия бериш, сертификатлаштириш ҳамда бошқа рухсатномалар бериш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга қаратилган давлат томонидан бошқариладиган бир қатор принципиал янги механизмлар белгилаб қўйилди.

Жумладан, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб туризм фаолиятига лицензия бериш вазифаси Вазирлар Маҳкамасидан янги ташкил қилинган давлат қўмитасига ўтказилади, бунда меҳмонхоналар ва одамлар яшайдиган бошқа жойларнинг лицензия олишлари тўғрисидаги талаб бекор қилинади. Ўз навбатида 2018 йилдан бошлаб хорижий туристларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари ва автотранспорт корхоналарини хорижий туристларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мажбурий сертификатлаш жорий этилади.

Хорижий туристлар учун мамлакатимиз жозибадорлигини ошириш мақсадида давлатнинг виза сиёсатини тубдан либераллаштиришни назарда тутувчи Фармоннинг энг муҳим жиҳати қуйидагилардан иборатдир:

2017 йилнинг 1 апрелидан бошлаб 15 та давлат, шу жумладан Австралия, Австрия, Буюк Британия, Германия, Дания, Испания, Италия, Канада, Люксембург, Нидерландия, Корея Республикаси, Сингапур, Финляндия, Швейцария ва Япония каби давлатларнинг туристлари, шунингдек 55 ёшга тўлган ва туризм мақсадида 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатга келувчи 12 давлат, шу жумладан Бельгия, Индонезия, ХХР (туристлар гуруҳлари таркибида), Малайзия, АҚШ, Франция, Вьетнам, Исроил, Польша, Венгрия, Португалия ва Чехиянинг фуқаролари учун виза режими бутунлай бекор қилинади;

барча мамлакатлар учун 30 кун муддатга бериладиган ягона туризм визалари жорий этилади, визалар олиш, шу жумладан виза олиш сўровномаларини тўлдиришнинг онлайн тизимидан фойдаланган ҳолда олиш тартиби сезиларли равишда соддалаштирилади, шунингдек 2018 йилдан бошлаб электрон визалар тизими жорий этилади.

Мазкур тартиб-қоидалар Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги ижобий қиёфасини юқори даражага кўтариш, мамлакатга туристлар оқимини талай даражада кўпайтириш, шунингдек, мазкур соҳадаги ишбилармонлик фаолиятини кучайтириш имконини беради.

Аэропортлар, вокзаллар ҳамда давлат чегараси орқали бошқа ўтиш пунктларида хизмат кўрсатиш сифати ва савиясини тубдан ошириш хорижий туристларнинг мамлакатга келишларида қулай шарт-шароитлар яратилишининг муҳим омили ҳисобланади. Фармонда шу мақсадларда қуйидагилар назарда тутилади:

2017 йилнинг 1 апрелигача Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарларининг халқаро аэропортларида хорижий туристлар учун «яшил йўлак» божхона назорати тизимини, паспорт ва божхона назоратидан ўтишнинг, багажни олишнинг соддалаштирилган тартиб-таомилини жорий этиш ҳамда транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш;

аэропортлар ва вокзалларда резидентлар ва норезидентларнинг паспорт назоратидан алоҳида-алоҳида ўтишларини ташкил қилиш;

аэропортлар ва темир йўл вокзалларида қулай туризм ахборот маконини, шу жумладан туризм-ахборот пунктлари фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирларни амалга ошириш асосий транспорт узелларида хизматлар кўрсатиш сифатининг энг илғор жаҳон стандартларига мос келишини таъминлашга, мамлакат халқаро аэропортлари ва вокзалларининг рейтингини оширишга қаратилгандир.

Туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаоллигини янада рағбатлантириш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, туризм ташкилотларига қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш Фармоннинг яна бир муҳим хусусиятидир. Жумладан:

туризм операторлари улар томонидан кўрсатиладиган туризм хизматлари учун тушадиган хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотишдан озод қилинади;

меҳмонхоналар хорижий валютадаги тушумнинг фақат 25 фоизини белгиланган тартибда мажбурий сотадилар;

хорижий фуқаролар томонидан меҳмонхоналар хизматига ҳақ тўлаш эркин айирбошланадиган валютада амалга оширилади, улар учун тўлов республиканинг давлат ва бюджет ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ҳоллар бундан мустасно;

юридик шахслар камида 4 юлдузли даражадаги меҳмонхона ва мотелларни фойдаланишга топширганда улар юридик шахсларнинг фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғидан, шунингдек ягона солиқ тўловидан 5 йил муддатга озод қилинади;

туризм фаолияти субъектлари томонидан сиғими 9 кишидан ортиқ бўлган янги автотранспорт воситалари сотиб олинганлиги учун Республика йўл жамғармасига йиғим автотранспорт воситалари қийматининг максимал даражадаги 20 фоизи эмас, балки 3 фоизигача миқдорда ундирилади.

Фармонда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига манфаатдор идоралар билан биргаликда 3 ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини ўрта муддатли истиқболда ривожлантириш Концепциясини, шунингдек 2017 — 2021 йилларда Концепцияни амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар Дастурини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш вазифаси топширилган.

Фармонни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Қарорда давлат қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилган, давлат қўмитасининг ташкилий тузилмаси ва Низоми тасдиқланди, шунингдек миллий туризм маҳсулотини хорижга намойиш қилиш, туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш ва туризм хизматларини сертификатлаш бўйича бир қатор идоравий ташкилотлар тузилди.

Мазкур Фармонни амалга ошириш иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга, таркибий ўзгартиришлар ва диверсификация қилишга, барча минтақаларни ва турдош тармоқларни комплекс равишда илдам ривожлантиришнинг етакчи кучи бўлиш имкониятига эга мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантиришни таъминлашга, шунингдек Ўзбекистоннинг жозибадор туризм маркази сифатидаги ижобий қиёфасини шакллантиришга бутун чоралар билан кўмаклашади.

◄1

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2016 йил 28 ноябр ПФ-4859-сонли
Фармонига 1-илова

## «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА 25 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 25 йил» эсдалик нишони билан давлатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларни барпо этишга салмоқли ҳисса қўшган шахслар, юқори профессионал маҳорати, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчига садоқатини намоён этган ҳарбий хизматчилар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича жанговар ҳаракатларда иштирок этган, захирага бўшатилган ёки истеъфога чиқарилган ҳарбий хизматчилар, шунингдек, ҳарбий ҳамда хизмат бурчини бажаришда ҳалок бўлган ёхуд ярадор бўлган ва шикастланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари тақдирланадилар.

2. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 25 йил» эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони номидан қўшилма командири ва ундан юқори лавозимдаги шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга белгиланган шаклдаги гувоҳнома берилади.

3. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 25 йил» эсдалик нишони мукофотланганларга куч ишлатувчи тузилмалар вазирлик ва идоралари раҳбарларининг буйруқларига асосан топширилади.

4. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 25 йил» эсдалик нишони кўкракнинг чап томонига давлат мукофотларидан кейин тақилади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2016 йил 28 ноябр ПФ-4859-сонли
Фармонига 2-илова

## «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА 25 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИ ТАВСИФИ







«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 25 йил» эсдалик нишони 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Эсдалик нишонининг олд томони марказида таралаётган қуёш нурлари фонида Амир Темур ҳайкали тасвирланган. Унинг орқа томонида Шаҳрисабз шаҳрида жойлашган қадимги Оқсарой мажмуаси пештоқи акс эттирилган. Эсдалик нишонининг юзасида тасвирланган ҳайкалнинг ўнг ва чап томонида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилган йил ва юбилей йили 1992 — 2017 рақамлари акс эттирилган.

Эсдалик нишонининг айланаси бўйлаб «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QUROLLI KUCHLARIGA» сўзлари, пастки қисми марказида эса иккита саккиз қиррали юлдуз оралиғида «25 YIL» ёзуви акс этган.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби, пастки қисмининг марказида «2017» ёзуви тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзувлар қабариқдир.

Эсдалик нишонининг олд ва орқа томонларининг четлари қабариқ доира билан ўралган.

Эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг рангидаги йўллари бўлган 24 миллиметрли шойи лента билан сирилган беш қиррали қадағичга илмоқча ёрдамида уланади. Кўк, оқ ва яшил йўлларнинг эни 7 миллиметрдан, қизил йўлнинг эни эса 1,5 миллиметрдир. Қадағичнинг баландлиги 48, эни 45 миллиметр. Тўғнағичга мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## БУЮК ДАВЛАТ ВА СИЁСАТ АРБОБИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ СИЙМОСИ ТАСВИРЛАНГАН ҲАЙКАЛНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ИЖОДИЙ ТАНЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

↖(1).

2. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов сиймоси тасвирланган ҳайкални яратиш бўйича Халқаро ижодий танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда ташкилий қўмита деб аталади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита (А.Арипов) ўн беш кун муддатда Халқаро танловнинг тадбирлар режаси, харажатлар сметаси, низоми, регламенти ва дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ Халқаро танловга тайёргарлик кўриш ва уни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Бадиий академиясининг 2016-2017 йиллар учун харажатлар сметасида назарда тутилган бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги ва хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари орқали Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан тақдим қилинган Халқаро танлов ҳамда унда иштирок этиш тартиби тўғрисидаги маълумотларнинг тегишли хорижий ижодий ташкилотларга йигирма кун муддатда етказилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ташкилий қўмита буюртманомаларига биноан Халқаро танлов ўтказилиши жараёнида таржимонлар иштирокини таъминласин.

6. Ўзбекистон Бадиий академиясининг буюртманомаларига биноан Халқаро танлов доирасида хорижий давлатлардан келтириладиган юклар божхона тўловларидан озод қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Халқаро танловнинг хорижий қатнашчиларига кириш визаларининг консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

8. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Халқаро танловнинг хорижий қатнашчиларини ва унга алоқадор юкларни тўловларнинг барча турларидан озод қилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Халқаро танловнинг ғолибларини тақдирлаш билан боғлиқ тадбир ўтказиладиган жойларда жамоат тартибини ҳамда унинг қатнашчилари ва меҳмонларига хизмат кўрсатувчи автотранспорт воситалари ҳаракати хавфсизлигини таъминласин.

10. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Халқаро танлов жараёнларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 2 декабр

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ЭРКИН ВОҲИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

↖(1).

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг ўзбек тилида «Сайланма» асарларини, инглиз ва қорақалпоқ тилларига таржима қилинган шеърий тўпламларини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли филм яратиш;

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов ҳайкалини яратиш ва уни белгиланган тартибда ўрнатиш;

Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов яшаган уйда ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш;

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида «Эркин Воҳидов ижодининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти» мавзусида илмий конференция ўтказиш;

мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, санъаткорлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ташкил этиш;

республика театрларида Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов асарлари асосидаги спектаклларни қайта саҳналаштириш;

2016 йил декабр ойининг охирги ўн кунлигида Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган адабий-бадиий хотира кечасини ўтказиш тадбирлари назарда тутилсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижоди тўғрисида туркум кўрсатувлар ҳамда радиоэшиттиришлар тайёрлаш, матбуотда мақолалар чоп этиш ва юбилей тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.М.Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 7 декабр

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабр куни бўлиб ўтган сайловда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбобларидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда.

**Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Овоз бериш якунлари юртдошларингиз Сизнинг мамлакатда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва халқ фаровонлигини юксалтиришга қаратилган бунёдкорлик ишларингизни ижобий баҳолашидан далолатдир.

Беларус — Ўзбекистон ҳамкорлигини кенгайтириш борасида амалий мулоқот ва самарали ишларни биргаликда давом эттиришдан манфаатдормиз.

Муҳтарам Шавкат Миромонович, Сизга мустаҳкам соғлик, Ўзбекистон Республикасининг фаровонлиги учун белгиланган барча режаларни амалга оширишда, олий давлат лавозимида улкан муваффақиятлар тилайман.

Эҳтиром билан,

**Александр ЛУКАШЕНКО,
Беларус Республикаси Президенти**

**Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

2016 йил 4 декабр куни бўлиб ўтган сайловда ишончли ғалаба қозонганингиз Ўзбекистон халқи Сизга ишониши ва қўллаб-қувватлашидан далолатдир. Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистон Республикаси бундан буён ҳам барқарор ва изчил ривожланишига ишонаман.

Сизнинг Президент этиб сайланганингиз Қирғизистон — Ўзбекистон муносабатларида янги саҳифа очиш ва мамлакатларимиз ўртасидаги амалий мулоқотни Қирғизистон Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома асосида ўзаро манфаатли ҳамкорлик руҳида изчил давом эттириш имкониятини янада кенгайтиради, деб умид қиламан.

Муҳтарам Шавкат Миромонович, Сизга мустаҳкам соғлик ва давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингизга муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан,

**Алмазбек АТАМБОЕВ,
Қирғизистон Республикаси Президенти**

**Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Сиз, Жаноби Олийларини Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Сизнинг Ўзбекистон раҳбари сифатидаги фаолиятингиз давомида халқларимиз манфаати йўлида ўзаро алоқалар янада мустаҳкамланишига қатъий ишонамиз.

Ўзбекистоннинг янада тараққий этиши ва фаровонлиги, халқингизнинг порлоқ келажаги йўлидаги фаолиятингизга улкан муваффақиятлар тилайман.

Эҳтиром билан,

**Қобус бин САИД,
Ўмон Султони**

**Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари!

Сиз Жаноби Олийларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиздан ғоят мамнунман. Шу қувончли дақиқаларда Сизга ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон халқига ўзимнинг самимий табрикларимни йўллайман. Мен Ўзбекистон Республикаси Сизнинг бевосита раҳнамолигингизда янада улкан ютуқларни қўлга киритиши ва халқингизнинг барча эзгу мақсадлари рўёбга чиқишига ишонаман.

Бангладеш ва Ўзбекистон ўртасида самарали муносабатлар мавжудлигини мамнуният билан таъкидлайман. Келгусида Сизнинг буюк юртингиз билан ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга тайёрлигимизни изҳор этаман. Мен халқларимиз манфаатлари йўлида Сиз билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканимни таъкидламоқчиман.

Сизга мустаҳкам соғлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига бардавом тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Сизга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Абдул ҲАМИД,
Бангладеш Халқ Республикаси Президенти**

**Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табриклайман. ЕХҲТ билан Ўзбекистон ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган ва Сизнинг раҳбарлигингизда ўзаро манфаатли ушбу муносабатларни янада ривожлантиришимизга ишонаман.

Бугун барчамиз хавфсизлик борасида кўплаб глобал таҳдидлар билан юзма-юз келаётганимизда ЕХҲТ минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳамкорлигимиз давом этишига ишонамиз. ЕХҲТ Ўзбекистонда ўз принцип ва мажбуриятларини амалга оширишни давом эттиришга тайёр.

ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Ўзбекистонга Президент сайловини кузатиш миссиясини амалга оширишга таклиф этилгани учун ўз миннатдорлигимни билдиришга рухсат бергайсиз. Сиз ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси билан амалий ҳамкорликни давом эттиришингизга ишонаман.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё ва, умуман, ЕХҲТ маконида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшаётганини ва ташкилот фаолиятида янада фаол иштирок этишини қўллаб-қувватлаймиз. Ушбу масалаларни Сиз билан муҳокама қилиш имконияти пайдо бўлишини кутиб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром билан,

**Ламберто ЗАНЬЕР,
ЕХҲТ Бош котиби**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.**

Мудофаа вазири Қ.Бердиев ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида Конституциямизга мувофиқ мутлақо янги Қуролли Кучларни ташкил этиш бўйича кўлами ва моҳиятига кўра улкан ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Бу борада ҳарбий бошқарув тизими яратилиб, турли қўшинларни мувофиқлаштириш ва уларнинг биргаликдаги ҳаракатини таъминлаш механизми йўлга қўйилди, ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни яхшилашга доир чоралар кўрилди.

Мазкур туб ўзгаришлар мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир замонавий миллий армиямизнинг жанговар тайёргарлиги ва сафарбарлигини оширишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари ўз касб маҳоратини ошириб, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, юртимиз тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаш борасида хизмат бурчини бажаришда мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатмоқда.

Тадбирда Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2016 йил 25 августдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини оширишда катта ҳисса қўшган бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга давлатимизнинг юксак мукофотлари топширилди.

— Ҳар бир ҳарбий хизматчи Ватани ва халқи олдидаги бурчи ва масъулиятини теран англайди, — дейди Тошкент ҳарбий округи қўмондони ўринбосари, II даражали «Шон-шараф» ордени соҳиби О.Исмоилов. — Ҳарбийларимизнинг жипслиги, бурчимизни адо этишимиз учун зарур барча шароит яратилгани самарасида Ватанимиз мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашда муваффақиятларга эришмоқдамиз.

Тадбир байрам концерти билан якунланди.

**Р.БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири**



**Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга кўп қаватли янги уйни топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

Кўп қаватли уй «Бағдод карвон» масъулияти чекланган жамиятининг қурувчилари томонидан барпо этилди. МЧЖ директори Михаил Овкиннинг таъкидлашича, бир, икки ва уч хоналардан иборат мазкур кўп қаватли уйни барпо этишда унинг муҳандислик-коммуникация тизимлари энг замонавий талабларга жавоб бериши, шовқинни ўтказмаслиги, иссиқликни сақлаши, сейсмобардошлилиги ва бошқа жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган. Уйнинг ён-атрофи ободонлаштирилиб, болалар, спорт майдончалари, дам олиш учун айвончалар ҳам қурилган.

— Оилам, фарзандларим шундай кенг, шинам уйда истиқомат қилишидан ғоят мамнунман. Бу юксак эътиборга жавобан биз зиммамиздаги масъулиятли ва шарафли вазифаларни куч-ғайрат билан адо этиб, халқимиз ишончини оқлаймиз, — дейди майор Азиз Эгамназаров.

**Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

